

контакт ва дистант ҳолдаги изчилликни амалга ошира олади. Бу қисм, бу натижа, бу формула, бу айният, бу ҳол, бу тарз, бу хусусда, шундай масалалар, мазкур ҳодисалар типдаги бирикмалар контакт ва дистант ҳолдаги боғлиқликни, изчилликни таъминлайди.

Атрибутив бирикмаларнинг сифат+от, олмош+от, сифатдош + от, сон + от ва х. типлари илмий услубда

Адабиётлар

1. Кожина М.Н. О речевой системности научного стиля сравнительно с некоторыми другими. -Пермь: 1972.
2. Ўрозбоев М. Т. Мисоллар. “Назарий механика асосий курси”, Баходиров М. “Тупроқшунослик”, Кодиров М. “Ўрта Осиё табиий географияси” асарларидан олинди. Бундан кейин манбалар қисқартириб берилди.
3. Кожина М.Н. О специфике художественной и научной речи в аспекте функциональной стилистики. -Пермь: 1966.
4. Полищук Г.Г. О стилевом функционировании коммуникативно-факультативных определений. Вопросы стилистики Межвузовский науч. Сборник. -Саратов: 1972. № 4, -С.10.
5. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка. Конференция по применению структурных и стилистических методов исследования словарного состава языка. Сборник. -М.: 1961.- С. 31.
6. Митрофанова О.Д. Язык, научно-технической литературы. - М.: 1973. - С. 90.
7. Виноградов В.В. Идеалистические основы синтаксической системы проф. А.М.Пешковского. Вопросы синтаксиса русского языка. - М.: 1950, - С. 42.

Мақолада атрибутив бирикмалар услуб ҳосил қилувчи тил воситалари сифатида олиб қаралган. Бу бирикмаларнинг илмий услубда қўлланилиши, семантик ўзига ҳослиги кўрсатиб берилган. Улар тузилишининг илмий услубга ҳос томонлари очиб берилган. Атрибутив бирикмалар услубларни услублараро фарқловчи, шакллантирувчи восита сифатида олиб қаралган, уларни ўрганиш услубшунослик учун катта аҳамиятга эгалиги асосланган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье атрибутивные словосочетания рассматриваются как стилиобразующие средства языка. А также здесь показаны употребление и семантическое своеобразие атрибутивных словосочетаний в данном стиле. Кроме того, в нём атрибутивные словосочетания описываются как дифференцирующие и формирующие средства функциональных стилей. В ней обосновывается, что изучение словосочетаний в таком направлении имеет большое значение для стилистики.

SUMMARY

In the article, attributive word combinations are considered as style-forming language means. It is also shown the usage and semantic originality of the attributive phrases in this style. In addition attributive word combinations are described as differentiating and forming means of functional styles. It is also justified that the study of word combination in this way has a great importance for Stylistics.

ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИНГ МЕТАФОРИК МАЪНОЛАРДА ИФОДАЛАНИШИ

Ю.М.Ибрагимов - профессор

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: антропоцентрик парадигма, инсон тафаккури, метафорик модел, моддий метафора, маънавий метафора, вербалашган метафора.

Ключевые слова: антропоцентрическая парадигма, мышление человека, метафорическая модель, вербальная метафора, инстинктивное сознание, естественная культура, сознательная культура.

Key words: anthropocentric paradigm, human thinking, metaphorical model, verbal metaphor, instinctive consciousness, natural culture, conscious culture.

Тилнинг имконият сифатидаги ҳолати лисон бўлиб, бу имманент имкониятнинг нутқий воқеланиши жонли системаларни вужудга келтиради. Агар лисон мавҳум ва статик система бўлса, унинг реаллашуви бўлган нутқ жонли, ўзида турли лисоний ва кўплаб нолисоний ҳодисаларни мужассамлаштирган, динамик системадир. Бу динамик системада лисоний бирликлар амал қилар экан, бунда инсоний ва прагматик омил таъсирида лисоний имкониятлар турли ўзгаришларни бошдан кечиради. Имкониятлар кенгайиши, торайиши, кучайиши ёки аксинча, ўта кучсизланиши ҳам мумкин. Уларнинг бундай ўзгариши, аввало, бошқа лисоний бирликларнинг унга ҳамкорлик қилиши натижасида юз беради. Бу, айниқса, луғавий бирликлар маънавий имкониятларининг ўз ва кўчма маъноларда қўлланишларида яққол кўзга ташланади. Шу боисдан, антропоморфик метафорани тил ва маданият, тил ва мулоқот, тил ва маънавият, тил ва руҳият муштараклиги муаммоси ўтқирлашган бир пайтда лингвистик тадқиқ қилиш, унинг лингвомаданий, когнитив ва социолингвистик тавсифини бериш долзарб муаммо сифатида намоён бўлади.

Метафора тилнинг ўтмиши, бугуни ва эртасидир. Унга қараб тилнинг шаклланишини, таракқиётини баҳолаш мумкин. Тил таракқиётининг маълум бир босқичларида пайдо бўлган фаннинг илк давридан бошлаб бугунги кундаги ҳолатигача уни метафорадан ҳоли тасаввур қилиб бўлмайди. Аксарият терминларнинг келиб чиқиши метафорик асосдадир. Масалан, тилшуносликдаги урғу, бўғин, товуш ўзгариши, маъно кўчиши, маъно кенгайиши, маъно торайиши, эга кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол, содда, мураккаб, ажратилган бўлак, уюшиқ бўлак, содда гап, қўшма гап, гап бўлаги, сўз ўзгариши каби минглаб терминларнинг метафорик асосда эканлиги фикримизнинг далилидир [4:39]. Фикрлаш жараёни ҳам, қиёслаш асослари ҳам, чиқариладиган ҳулосалар ҳам метафорик механизмнинг маҳсулидир.

услуб хусусиятларини акс эттирувчи бирикмалар сифатида намоён бўлади. Уларни ўрганиш вазифовий услубларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлашга, уларни алоҳида тизимлар сифатида тасаввур қилишга, тил воситаларининг услублараро тақсимланишини билиб олишга ёрдам беради.

Масалан, инсонда “она” ва “ватан” тушунчаси аввал онгсиз, кейинчалик эса онгли равишда она ҳақидаги тасаввурлар шаклланади. Дастлаб руҳий ва жисмоний боғлиқлик пассив субъект сифатидаги болада она ҳақидаги инстинктив тасаввурларни пайдо қилади. Иссиқ вужуд, тириклик манбаи бўлган кўкрак ва меҳрибон нигоҳ учлиги болада онага дастлабки меҳрни пайдо қилади. Бу меҳр муносабат маҳсулидир. Онанинг болага ва боланинг онага моддий ва маънавий муносабати меҳрни шакллантиради ва улғайтиради. Она озиклантирувчи ва химоячи, жисм ва руҳни тарбияловчи, боланинг эҳтиёжларини қондирувчи илк ва асосий объект. Онанинг бу хислатлари фарзанднинг улғайиши билан кўпроқ англандадиган бўлиб боради. Ватан инсон онгида шакланган она ҳақидаги тасаввурлар замида, онг остидаги қиёсланиши ва уйғунлигининг ўзи билмаган ҳолдаги ҳис қилиб борилиши билан кучайиб боради. Ватан билан бошқа бирор тушунча она тушунчаси қадар боғланмаган ва уйғунлаштирилмаганлигининг боиси улар моҳиятидаги ботиний муштараклиқдир.

Аслида метафора тафаккур ва онгнинг энг катта “ёлғон”идир. Юқорида ўхшашлик қидирганимиз “она” ва “ватан” тушунчалари орасида заррача бўлсин, айнанлик йўқ. Ватан шахс эмас, у эмизмайди, у едириб-ичирмайди, дардимизга шерик бўлмайди, йиғласак, йиғлаб, қулсак, қулмайди. Шу боисдан метафорани айримлар таснифий “хатолик”, таксономик “лоф”, классификацион “утрик” сифатида баҳолашлари ҳам бежиз эмас. Албатта, бу қарашлар, объектив ва хиссиз муносабат, уни ифода этувчиларнинг ўзлари ҳам эътироф этишади. Аммо бу тафаккурнинг бу сифатига доир муҳим ва бекиёс бир ҳаққонийлик бўлиб, у юқоридаги изоҳларнинг барчасини тўфондай тўзғитади, бир ҳақиқат бошқа ҳақиқатни бўғади, қовурғаларини синдириб юборади. Бу фикрий образ яратилдир. Н.Д.Арутюнова шу маънода таъкидлашчи, метафора зоҳирий белги-хусусиятларни ажратмайди, балки

предметнинг илохияти ҳақида мазмуний образ ҳосил қилади [5]. Ҳақиқатан ҳам нега инсон ватан ҳақида ўйлаганда, онани эсга олади:

*Ватан, она сўзи нақадар лазиз,
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, лазиз,
Ҳурматини сақлар ҳар бир ўғил, қиз,
Муқаддас, мўътабар, улуг Ватаним,
Шарафлар, шонларга тўлуғ Ватаним. (Уйғун).*

Ҳамма онадек бўлганда эди, онамиз бунчалар мухтарам ва азиз бўлмас эди. Ватан ҳам худди шундай. Ҳаёт тарзимизда ватан ҳақида пайдо бўлган онгсизона сезимлар унинг онгли равишдаги киёси билан бойиб боради:

*Ҳўш, нечун севасан Ўзбекистонни,
Сабабини айтгин десалар менга,
Шоирона гўзал сўзлардан олдин
Мен таъзим қиламан она халқимга:
Халқим, тарих ҳужми сени агарда
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
қорликлари макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга? (А.Орипов)*

Демак, шоир халқини ўз ватанининг хусусияти сифатида эътироф этади.

Шу каби метафораларда оддий тушунчаларнинг кундалик, қомусий, миллий, маданий ва халқона моҳияти зоҳир бўлишини Ж.Лакоффи ва М.Жонсонлар ўз вақтида қайд этишган(6:1980:3, 90). Инсон онгида манба объект ҳақидаги билим ёки маданий концепт шаклланимаган бўлса, бошқа объект ҳақидаги ҳосила билимнинг ҳам шаклланиши қийин кечади, унинг хотирада сақланиши мушкул бўлади. Ассоциативлик билимларни ҳосил қилиш ва хотирада сақлашнинг асосий усулидир. Шу боисдан метафорани билим ҳосил қилишнинг замини, билимни сақлаш хазинаси, уни ажодлардан авлодларга етказиш воситаси сифатида баҳолаш мумкин. Б.Флейшман метафоранинг шаклланиши асосларини, унинг моҳиятини маъно кўчиши билан боғлайди, тилда муайян тушунчани аниқ ва равшан ифодалаш учун имконият торайган ҳолатда метафорадан фойдаланиш зарурати туғилишини уқтиради [9].

Тил агар ҳар ҳодиса учун ифода бераверса, унинг тасвир имкониятлари жуда кенгайиб кетади. Тил керакли, кераксиз, зарур, нозарур ифодаларнинг омборига айланиб қолар эди. Метафора тилнинг қулайлиги ва ихчамлигининг алгоритмидир. Бу алгоритмгина тилнинг ўз-ўзидан ривожланиш жараёнини тартиблаштириб туради,

Маданият инсон ижоди маҳсули бўлиб, инсонни - ҳайвондан фарқлаган омилдир. Маданият сўзининг арабча этимологик маъносиди ҳам шунга ишора қилади:

“Маданий [а. مدنى – шаҳарлик; мадиналик, Мадинага хос]:

1. Маданиятга оид: маданият, илм-маърифат билан боғлиқ, маданият соҳасидаги: маданий инқилоб. маданий эҳтиёжлар, маданий мерос, маданий тadbирлар.

2. Маданиятли, маданиятни эгаллаган; маданиятга эришган, маданият талабларига жавоб берадиган: маданий одам. маданий оила. маданий қишлоқ. маданий ҳаёт.

3. Киши қўли, меҳнати билан экиладиган, етиштирилдиган: маданий экинлар. маданий ландшафт. маданий ўсимликлар.

Аслида луғатдаги учинчи маъно маданий сўзининг асл моҳиятини акс эттиради. Ундан маданият сўзида маъновий ихтисослашиш, терминлашиш ҳодисаси юз берган.

“Маданият [а. مدنيت - цивилизация]:

1. Жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётида қўлга киритган ютуқлари мажмуи. Алифбо - жаҳон маданияти, бутун илм, ўчмас бадиий, фалсафий, ахлоқий бойликлар шу ҳарфларга асосланган.

2. Бирор ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг маълум даврда қўлга киритган шундай ютуқлари даражаси: мусиқа маданияти. нутқ маданияти, кино маданияти, ислом маданияти, Шарқ маданияти, Ғарб маданияти, Ўрта Осиё маданияти.

3. Ўқимишлилик, таълим-тарбия кўрганлик, зиёилик, маърифат. Маданиятдан орқада қолмоқ. Маданиятга эришмоқ каби.

4. Маданиятли шахс талабларига жавоб берувчи шароит: турмуш маданияти, иш юритиш маданияти ва бошқалар. Шунингдек, ўсимлик ёки экиннинг турларини етказиш, ўстириш, етиштириш: хусусан, деҳқончилик, чорводорлар, ҳунармандлар маданияти.

Ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш эҳтиёжи иқтисодий, сиёсий, юридик каби маданият турларининг шаклланиши ва қарор топишини келтириб чиқарди. Айниқса, шахсий такомиллашув барча маданиятларнинг марказий унсурига айланиши маърифат ва ахлоқнинг тубдан такомиллашувига олиб келди. Масалан, Шарқда зардуштийликда эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал учлигининг тараққиёт омили сифатида қаралганлиги, тасаввуфда қомил инсон тушунчасининг тарғиб қилиниши, Ғарбда уйғониш даврида инсон ахлоқининг инсониятнинг гуманистик ғоялари, маърифатчилик ғоялари билан мувофиқлиги даражаси маданият мезонларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнади.

Зеро, инсон ўз шахси шаклланиб, яшаб, воғжа етаётган муҳитнинг фарзанди. Бу муҳитдан ажралиб қолган шахсининг индивид даражасига тушиб қолиши маугли, бўрилар уясида яшаган ҳинд болақайлари, “тоғда ўсган бола”, Робинзон Крузо мисолида тарихий ва адабий манбаларда, кинофильмлар катта маҳорат билан тасвирланган.

Муайян бир маданиятнинг шаклланишида айрим шахсларнинг ўрни алоҳида. Пайғамбарларнинг, ҳукмдорларнинг, машҳур халқпарвар ва тараққийпарвар зотларнинг фаолияти, қолдирган меросининг аҳамияти бунга далил бўла олади.

Маданият дастлаб моддий ва маънавий турларга бўлинади. Моддий маданият инсоннинг табиат билан мулоқоти натижасида шакллана, маънавий маданият инсоннинг инсон билан мулоқоти маҳсулидир.

Моддий маданият ҳам, маънавий маданият ҳам хазина сифатида тил кўрғонида яшайди. Биринчидан, маданият ажодлардан авлодларга тил орқали етиб келса, иккинчидан, тилнинг ҳар бир ифодасида шу халқнинг маданий даражаси, этник дунёқараши акс этади. Тил миллат ёки элатнинг бир даврдаги маданиятини акс эттирмайди. Бугунги маданият даражаси, ментал савияси қандай бўлишидан қатъи назар, тилда тил пайдо бўлган даврдан бошлаб, то бугунгача бўлган маданият яхлит тизим сифатида тилда яшайди. Тилда шундай сўз, ибора, мақол ва маталлар, афоризмлар борки, улардаги денотатив воқелик, мавжуд ахборот бугунги кун учун мутлақо эскирган. Масалан, ўзбек тилидаги эллик сўзи қадимги туркий тилда “қўл” маъносини англатган эл отидан кичрайтириш қўшимчаси -(и)г қўшимчаси билан ясалган бўлиб, бир қўлдаги беш бармоқни англатган [7]. Демак, тилнинг илк даврларида бармоқ билан боғлиқ ҳисоб маданиятидаги бу ҳолат бугунги кунда бутунлай унутилган, лекин унинг шаклий киёфаси бошқа маъно билан ҳозир ҳам яшаб турибди. Лекин у бошқача шаклга кирган. Метафорик модел асосида янги ҳосила маъно вужудга келган. Мисол сифатида шаллақи сўзини олайлик. У ўзбек тилининг изоҳли луғатида қуйидаги изоҳга эга:

Шаллақи - шарм-ҳаёни билмайдиган, бўлар-бўлмасга жанжал кўтарадиган, жанжалкаш. Мен сизни ўғил бола деб юрсам, шаллақи хотиндан ҳам баттар экансиз. С.Анорбоев, Оксой.

Бунда, албатта, изоҳда “аёлларга нисбатан” маъно унсури бўлиши лозим эди.

Эски ўзбек тилида шаллақ “кип-яланғоч”, “уятсиз” деган маъноларни билдирган [7]. Демак, у дастлаб кенг маънога эга бўлган. У даврларга келиб, кийинги юриш, очик-сочик юрмаслик маданият ҳисобланган ва меъёрий ҳолат сифатида қабул қилинган. Аммо кип-яланғоч юриш ҳам, гарчи, маданият меъёрларига тўғри келмаса-да, мавжуд бўлган. Бугунги кунда маданиятга зид қўйиладиган кип-яланғоч юриш, кийимсиз жамоат жойларида пайдо бўлиш ҳолати йўқ. Аммо улардаги умумийлик ҳар доим ҳам барқарор ва яшовчан. Шу боисдан маънода ўзгариш содир бўлган. Бунга тушунчадаги тадрижий тафовутлари сабаб бўлган.

Шу билан биргаликда, метафорик асосдаги айрим мақоллар қадимда этник умумийликка эга бўлган. Масалан, Таппи-таппидан узоққа тушмайди деган ўзбек халқ мақоли мавжуд. Бу мақол бугунги кунда халқ мақоллари тўпламларидан ўрин олмайди. Зеро, умумий ўзбек миллати маданий даражаси мезонлари билан муносабатда бўлинса, унинг анчайин кўполлиги ва оҳорсизлиги маълум. Аммо у айрим шеваларда сақланиб қолган. Чунки бир ҳудуд учун маданиятли бўлган ҳодиса, бошқа ҳудуд учун маданиятсизлик белгиси бўлиши мумкин. Ёки хусусий ҳол умумий ҳолат мезонларига жавоб бермаслиги ҳам мумкин. Л.Толстой рус маданиятини чечен маданияти мезонлари билан ўлчашининг нотўғрилигини “Ҳожимурод” повестидида қуйидагича тасвирлайди: “Ҳожимуродни биринчи марта кўрган шўх

офицер Петраковский, таржимон орқали ундан Тифлис ёқдими деб сўради:

- Айя, – деди у.
- Ха, деяпти, – деди таржимон.
- Кўпроқ нима ёқибди?
- Хожимурод бир нарс деди.
- Ҳаммадан кўпроқ унга театр ёқибди.
- Хўш, бош кўмондонникида бўлган базм-чи?
- Хожимурод қовоғини солди.

– Ҳар бир халқнинг ўз одати бор. Бизда хотинлар ундай кийинмайдилар, – деди у Мария Дмитриевнага қараб.

- Ха, унга нимаси ёқмабди, ахир?
- Бизда бир гап бор, – деди у таржимонга, – ит эшакка гўшт берибди, эшак эса итга хашак берибди, – натижада ҳар иккаласи ҳам оч қолибди. – У сал илжайди. – Ҳар бир халқ учун ўз одати яхши.” [8].

Ўзбек халқи турмуш тарзини ҳозир ҳам паррандаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун халқимизда *она товук, даканг хўроз, жўжабирдай жон, бир товукча ҳам дон керак, ҳам сув, қари товук* каби метафорик асосдаги ифодалар

кўплаб учрайди ва уларнинг илк денотатив маънолари ҳам хануз яшовчан. Шу боисдан *думи юлинган товук* сўз бирикмасининг денотатив маъносини ва унда акс этган объектив воқелик парчасини ўзбек лисоний жамияти аъзолари бирдай тасаввур қилади. Умумий дунёқараш асосидаги метафорик модел воситасида вужудга келган *думи юлинган товук* (инсон) метафорик ифодаси замиридаги маданият ҳам, шу барқарор маданият заминида шаклланган метафорик ифода ҳам тил ва маданият яхлитлигининг бир кўриниши сифатида тилимизда яшаб келмоқда ва образли тасаввур ҳосил қилишнинг сермахсул ва таъсирчан воситаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Кўринадики, тил ва маданият муштараклиги муаммосининг ўзи серкирралиги ва тахлилининг ўта мураккаблиги билан ажралиб туради. Тилда халқ маданиятининг илк шакллари ҳам, бугунги ҳолати ҳам бирдай мавжуд. Шунга кўра, тилни маданият ифодаси сифатида эскирган, архаиклашган, нисбийлашган, барқарор маданий мағизли бирикларнинг муҳташам хазинаси сифатида баҳолаш жоиз.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 56-б.
2. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. I жилд. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 168-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
4. Аристотель. Поэтика. -Л.: 1927. -С. 39.
5. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс. Теория метафоры. - М.: 1990.
6. Lakoff J., Johnson M. Metaphors we live by. - Chicago; L.; 1980. -P. 3, 90 .
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. -Тошкент: Университет, 2003. 600-б.
8. Толстой Л.Н. Танланган асарлар. 5 жилдлик. Т. 1. Ҳикоялар, қиссалар. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
9. Флейшман Б. С. Основы системологии. -М.: Радио и связь, 1982.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тил ва маданият муштараклигининг метафорик маънода бўртиб турадиган сўзлар – жонивор, ўсимлик, шахс номлари ва асосан, уларнинг метафорик кўчма маъноларига хос бўлган тил бириклари ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются слова, названия животных, растений, собственные имена, выражающие метафорические значения языковых и культурных отношений, в основном, языковые единицы, передающие дополнительные метафорические значения.

SUMMARY

The article deals with words, names of animals, plants, proper names expressing the metaphorical meanings of linguistic and cultural relations, mainly linguistic units that convey additional metaphoric meanings.

ИНГЛИС ХЭМ ҚАРАҚАЛПАҚ ТИЛИНДЕ GENDER/ЖЫНЫС (ЕР-ХАЯЛ) ТҮСИНІКЛЕРИНИҢ ГРАММАТИКАЛЫҚ ХЭМ ЛЕКСИКА - СЕМАНТИКАЛЫҚ БИЛДИРИЛИҢИ

Д.М.Қурбанбаева - ассистент оқытушы

Д.М.Қурбанбаева - ассистент оқытушы

Әжанияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: гендер, жинс категорияси, аёл жинси, эр жинси, гендер ажратиш усуллари, нейтраль гендер жинс, лексик-семантик усул, морфологик курсаткич, аффиксацияли усул, референт, морфологик-синтаксислик усул, спитагма, мослашиш.

Ключевая слова: гендер, категория гендера, женский род, мужской род, нейтральный (средний) род, родоразличение, лексико-семантический способ, морфологическо-синтаксический способ, аффиксация, морфологическая маркировка, референт, синтагма, согласование.

Key words. gender, the category of gender, feminine gender, masculine gender, neutral gender, gender distinctions, lexico-semantic way, morfologico-syntactic way, affixation, morphological mark, referent, syntagm, argeement.

Инглис тилиндеги лингвистикалық теориялық тәліматларда хэм әмелий оқыў қолланбаларында гендер (жыныс) ажыратылыўының грамматикалық қубылыс сыпатында ҳәрәкет ететуғынлығы яки жоқ екенлиги ҳаққында илимпазлар тәрәпинен елеге шекем түрлише пикирлер айтылып келмекте. Мәселен: бир қанша теориялық тәліматларда гендер инглис тилиндеги атлықлардың субкатегориясы сыпатында лексика-семантикалық түсиник деп қаралып инглис тили грамматикасы бойынша әмелий қолланбаларда турақлы түрде грамматикалық категория сыпатында өз анықламасына ийе.

Ал, А.И.Смирницкийдиң «Инглис тилинің морфологиясы» (Morfology of English) теориялық курсының толық 10 бети [1:139,148] инглис тилинде гендер (жыныс) категориясы грамматикалық категория есабында да, сондай-ақ тиккелей лексика-семантикалық мәни тәрәпинен алып қарағанда да жоқ екенлигин дәлиллеўге арналған. Деген менен, Ганишна, М.А.Васильевскаялардың белгили «Инглис тили грамматикасы» әмелий курсы сабақлығында гендер (жыныс) темасына кирис сөзинен баслап-ақ инглис тилинде жоқ деп есаплаўға қарар етилген атлық сөз шақабының gender-жыныс категориясына белгили дәрежеде анағұрлым

толық хэм анық зәрүрли анықлаўлар киргизилген хэм системаластырылған [2].

Инглис тилинде атлық сөзлердиң гендерлик/жынысый мәнилик аңлатылыўы сөзлердиң (басқа тиллердегиге уқсап, рус тили айрықша есапқа алынған ҳалда) ҳәр қыйлы грамматикалық формалар (қосымталар, жалғаўлар) қабыл етиўи арқалы емес, ал атлық сөзлердиң көпшилик жағдайда үшінши беттеги бетлик алмасықлары менен өз-ара байланысы тийкарында анықланатуғынлығы нәзерде тутылады. Бул, демек, гендерлик жынысый ажыралыў (классификациялануў) инглис тилиндеги атлықларда грамматикалық қубылыс яки категория сыпатында қаралыўына болатуғынлығынан дәрек береді.

Инглис тилинде гендер категориясы анық қарама-қарсылықлардан ибарат. Ол өз ара иерархиялық (ажыралыў белгилери анық тәрәплерди өз ишине алатуғын) тийкарада байланысқан еки қарама-қарсы тәрәплерден турады. Атлықлар – бир қарама-қарсы категориялық мағанада person nouns (адамлар-шахсты аңлатыўшы атлықлар хэм non-person nouns адамларды – шахсларды аңлатпайтуғын атлықлар) болып бөлинеди. Екинши қарама-қарсылық тек адамларды аңлатыўшы атлықлар арасында болып, олар ер жынысы